

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Қадрли меҳмонлар! Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улуг, энг азиз байрам - мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодисенаси билан барча юрдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар! Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг бужилмас иродасига суюниб, асрлар буйи давом этган қўллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш, беқийс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шaroити яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намойиш бўлмоқда.

Бугун амалга оширган улугвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтганда бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмақдамиз.

Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечимимиз даркор.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз аввало ўзимизга қандай го, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борда бизга нимага тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўллари яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзинимизни теран англаб, мутафаккир боларимиз, азиз-авлибларимиз қолдирган бебаҳо меросин эсраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуг аждошларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

"Авесто" каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бухоро ва Самарқанд, Шахрисабз ва Хиваданга, Насав ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона vodiysини кезганда, муззам пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамоллини кўрганда қалбимизда биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий гурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: бизим - Ўзбекистон халқи, ана шундай улуг зотларнинг авлодидимиз, ана шундай беқийс салоҳият эгаларимиз, олимиз ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақимиз ва ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суюниб буюк марраларга эришмоққа қодиримиз.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ниёт билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шунини талаб қилишга ҳақимиз.

Бугун ёшларимиз қалбидан, мен мана шундай буюк эл, бетакор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш - биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгилликка интилиб яшаш, тadbиркорлик, ташаббус, изланиш, ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш - ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Хурматли юрдошларим! Бугун олимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири - бизнинг урнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбияси.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш - умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бугунги кунда ён-атрофимиздаги ахволни теран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор. Лоқайлик, бепарволик, беғамлик, гофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо хушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш - ҳаётимизнинг маъно-маъмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим! Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:

— Эй, улуг Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаёта оруз-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифадингиз - юртимиз истиқлолини, халқимиз эркин озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни, кўксини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарларимизни, барча ҳарбийларимизни бугунги байрам билан ўз номидан, бутун халқимиз номидан барчимга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларини воёга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош этаман.

Азиз дўстлар! Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туфайли омон чиққан.

Бугун кўпмиллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжihatлик ва аҳилликнинг қадр-қимматини айниқса чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан она заминимизга чирой бағишлаб, ёруғ ниёт ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон ҳам бўлмайд.

Бундай халқнинг оқибат оруз-умидлари ижобат бўлмай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлмай, иншооллох.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу кулдуғ оқшомда доншаман отахонларимизни, муни охонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни - бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам - Мустақиллик кунин билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин! Ўзбекистонимиз дунё турғунча турсин!

Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!

ИСТИҚЛОЛИНИҒ АБАДИЙ БЎЛСИН, ВАТАН!

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган Ўзбекистон ёшлари «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ 2000 йил 1 сентябрь, жума. №68 (14350)

ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

Президент Ислам Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, хурматли халқ депутатлари! Муҳтарам дўстлар! Аввало, юртимизга таъовуз қилган террорчи тўдаларга қарши жангларда қаҳрамонларча халок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизни хотирлаб сўлоқ сақлашимизни сўрайман.

Унинг салоблари, илдизлари, таг-томири қаердан келиб чиқмоқда? Мен бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларимни турли мулоқотлар ва чиқишларимда кўп мартаба билдирганман.

Лекин, ҳар бир ақли расо одам билиб турибдики, буларнинг ҳаммаси лўтибозликдан бошқа нарса эмас. Нега деганда, бу галамисларда ймон-эътиқод, мусулмончиликдан заррача асар борми ўзи? Аслида булар виждонини, ота-онани, эл-юртини пулга сотган кип-қизил сотқин, кип-қизил хонлар эмасми?



Мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами кенг нишонланмоқда



Бугун байрам, бугун байрам, Юртимизда улуг байрам...





ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ (Мустақиллик майдонидан репортаж)

ИНСОН ВА УНИНГ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА Улкамизда байрам шуқуқи. Пойтахтимизнинг сўлим бош майдонига ўтаётган Мустақиллик байрами тантаналарида сайр қилиб юриб, яқиндагина "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлган Нормурод Нарзуллаевни учратиб қолдим.

Худди шу йил Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг ташқи иқтисодий муносабатлар факультетига ҳужжат топширдим. 1 август кунини тест синовларидан 208,8 балл тўлаб талаба бўлишга мурасар бўлдим. Бу мен учун чексиз бахт ва шодликдир.

Қадим садо Бугун хурриятни кийинди бу юрт бошин оёқ. Бугун юрагимдан қўйлақлар кийди бу юрт ақли. Бугун қадим халқининг руҳиятида Озодлик шуқуқи. Бу шуқуқ азим пойтахтининг Мустақиллик майдонидан қўшдек порлаб бутун Ўзбекистонни нурга чулғайтир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки жамоаси халқимизни энг муқаддас байрам — Мустақиллик кунин билан муборакбод этади. Биз мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширишда, фаровон ва эркин демократик ҳуқуқий жамият барпо этишда ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Турқиз йилликда истиқлол бизнинг йулчи юлдузимизга айланиб, орзу-умидларимизни рўёбга чиқарди. Илоё, озодлигимиз мангу бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Истиқлолимизни ёмон кузлардан асрасин. Байрам барчамизнинг хонадонимизга фаиз-барақа олиб кирсин!



ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!

Таълим ва ислохот

ЖАХОН РОБИТАСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети проректори Маноб НИШОНОВ билан суҳбат

— “Таълим мўлжалланган ўнлаб дарсликлар, инглизча-ўзбекча, французча-ўзбекча, немисча-ўзбекча лугатлар яратилди. Мазкур адабиётлардан ҳозирги кунда университетида тахсил олаётган беш минг икки юз эллик икки нафар талаба фойдаланмоқда. Бундан ташқари олийгоҳимизда мунтазам ишлаётган электрон почта ва Интернет тармоғи талабаларимизга дунёдаги кундалил илмий ахборотлар билан танишиб боришда кўмаклашмоқда. Яна шуни алоҳида айтиш лозимки, бир неча йиллардан буён университетимизда фаолият кўрсатиб келаётган республика

тил таълими маркази, академик лицей ва бадиий ансамбль ёшларимиз истеъдодини юзага чиқаришда қўл келмоқда.

— **Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети мамлакатимиздагина эмас, балки МДХдаги олий ўқув юрталари орасида ҳам катта нуфузга эга.**

— Университетимиз хориждаги ўн бешдан ортиқ олий ўқув юрталари ва бир қанча халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Ҳамкорлигимиз самараси ўшароқ АҚШнинг Шимол-шарқий университети талабалари-

мизни ўқитиб бериш билан биргаликда яқинда юз дона компьютер совға қилди. Испаниянинг Гранада университетида йилига камидан ўн нафар талабамиз ўқиб келмоқда. Олийгоҳимизда ишлаётган испан тили ва маданияти маркази Гранада университети томонидан доимий равишда дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда компьютер, телевизор, аудио ва видео магнитофонлар билан таъминланаётир.

Яқинда эса “Устоз” жамғармаси гранти совриндорлари бўлган икки нафар ўқитувчимиз Францияга жўнаб кетади.

Файзулла ШОДИЕВ суҳбатлашди

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси барча ватандошларимизни энг азиз ва энг улуғ айём — Истиқлолимизнинг тўққиз йиллик тўйи билан чин дилдан қўтлайди.



Истиқлол иқтидорли ёшларимиз истеъдодини рўёбга чиқарди. Университетимизнинг юзлаб талабалари хорижда тахсил олиб қайтди. Улар бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жаҳаларида матонат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Педагогик жамоамиз бир тану бир жон бўлиб жаҳон андозалари талабларига мос келадиган кадрларни тайёрламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимиз аҳлини яна бир бор Озодлик, Хуррият, Истиқлол байрами билан муборакбод этамиз!



Меҳнат инсонни улуғлайди

КЕЧА ВА БУГУННИНГ ТАФОВУТИ

Истиқлол — қўллари қадоқ бўлиб кетмон чопайётган бободоҳонларимизнинг турмушига кут-баракати олиб кирди. Масалан, Шўрчи туманидаги Менгзиё Йўлдошев раҳбарлик қилаётган “Муҳиддинбек” фермер-хўжалиги бугунги кунда 41 нафар оилани боқмоқда.

— Энди ўйлаб кўрсам, илгариги замонда фақат кун ўтиши учун далага бориб-келиб юрарканмиз, — дейди Менгзиё ака. — Ҳозир эса вақтимизнинг ҳар дақиқасини қадрига етиб ишлаймиз. Ука, ишқилиб, умр беҳуда ўтмайпти...

Фермер томорчасидаги олтишдан ортиқ чорва молларини, юздан ортиқ қўй-қўзиларни, мингдан ортиқ товуқларни кўриб, “ҳаммаси ўзингизникими?” деб ҳазиллашиб сўраганимизда индамади. Аммо фермернинг юз ифодасидаги мамнуликдан буларнинг бариси унинг эканлигини пайқаш қийин эмасди.

— Президентимиз ҳар бир гапларида фермерларга ёрдам бериш керак, деб айтадилар... Бизлар ҳам Юртбошимизга муносиб фарзанд бўлиш учун ҳамда заманимиз берган нон ва тузни оқлаш учун ҳалол меҳнат қилаймиз. Олдий одамларимиз ҳам бутун қўлда жарақ-жарақ пул ушлаяпти, Аини пайтда режадаги бир юз ўттиз бир тонна пахтанинг салкам ярмини давлатга топширдик.

Менгзиё ака билан узоқ гаплашдик. Унинг ҳар бир сўзида истиқлолдан шукроналик, мамнулик сезилиб туради.

— Аввалги замонда қўлим калталиги учун ўзим ўқиган мактабга бирон дона китоб ҳам совға қилолмагандим. Бугун ораум ушладди. Қишлоғимиздаги Ў. Холбоев номи мактабни оталикка олдим. Яқинда мактабга юз минг сўмлик ўқув қуролларини сотиб олиб бердим.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Менгзиё Йўлдошевга ўхшаб меҳнат қилиб, ўз турмушини ўнлаб олаётганлар кўпаймоқда.

Файзулла ДАВРОН ўгли

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёқилги энергетика мустақиллигига эришди.

Бунда Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий қон томирларидан бирини ташкил этган Муборак газни қайта ишлаш заводининг ҳам алоҳида ўрни бор, — дейди директор Бара...

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТАЛАРИНИ ОШИРИБ...

ка **РУСТАМОВ.** — Бойси — мамлакат эҳтиёжини қондирадиган табиий газнинг олтиш беш фоизи заводимизда қайта ишланаётир. Завод йилига беш миллиард кубометр газни қайта ишлаб, фаолиятини бошлаганди. Орадан йиллар ўтди. Бу кўрсаткич бугунги кунга келиб бир неча ўн миллиард кубометрни ташкил этиб турибди. Чунки мустақиллик даврида заводда ишлаб чиқариш қувватини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик даврида заводда асосий ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширадиган тўртта газни тозалаш қурилмасини ишга туширдик. Ва бу қурилмаларнинг ишлаши натижа-сида заводнинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошди. Аини пайтда корхона-мизда қирқ еттита қурил-ма ишляпти. Уларнинг ўн саккизтаси газни то-заласа, олтитаси олтин-гургурт ишлаб чиқаряпти. Учтаси эса газ канден-сатини барқарорлашти-риб, суёлтирилган газ ишлаб берапти. Рақам-ларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг

на соф олтингургурт, бир неча ўн минг тонна барқарорлаштирилган кон-денсат, тўрт юз эллик саккиз минг тўрт юз эл-лик тонна суёлтирилган газ олинди. Ишлаб чи-қариш суръатларини оши-ришда малакали муҳан-дис-технологлар Уктам Умаров, Норбой Қулмир-заев, Абдухалил Кари-мов, Ҳасан Иноқов, Фа-кил этиб турибди. Чунки мустақиллик даврида за-водда ишлаб чиқариш қувватини оширишга алоҳида эътибор қарати-лди. Мустақиллик дав-рида заводда асосий иш-лаб чиқариш жараёнла-рини амалга оширадиган тўртта газни тозалаш қурилмасини ишга туши-рдик. Ва бу қурилмалар-нинг ишлаши натижа-сида заводнинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошди. Аини пайтда корхона-мизда қирқ еттита қурил-ма ишляпти. Уларнинг ўн саккизтаси газни то-заласа, олтитаси олтин-гургурт ишлаб чиқаряпти. Учтаси эса газ канден-сатини барқарорлашти-риб, суёлтирилган газ ишлаб берапти. Рақам-ларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг

еттита технологик қурил-мадан ўн учтаси капитал ҳамда ўн саккизтаси жорий таъмирланди. Бо-шқа қурилмалар ҳам 1 октябрга тўлиқ таъмир-ланиб, қузги-қишки мав-сумга тайёргарлик иш-лари ниҳоясига еткази-лади.

Мустақиллик таянчлари

— Ишчи-хизматчи-ларнинг ижтимоий му-ҳофазаси ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Заводда ишлаётган икки ярим мингдан ор-тиқ муҳандис-технолог-ларнинг ўртача ойлик ма-оши 20-22 минг сўмини ташкил этяпти. Ёзги соғ-ломлаштириш даврида уч юз нафар ходимимиз республикаимиздаги ну-фузли “Турон”, “Чино-бод”, “Семур”, “Қаш-қадарё соҳили” сана-торийларида сало-матликларини тикла-дилар. Бундан ташқа-ри ходимларимизнинг икки юз эллик нафар фарзандлари Кито-б туманидаги “Ёш ала-н-чи” оромгоҳида дам олиб қайтди.

Заводимизда “Маъна-вият ва маърифат” мар-кази ишлаб турибди. Унинг йигирма беш минг нусха китобни жамлаган кутубхонаси ишчи ва хо-димларимизга беҳимнат хизмат кўрсатмоқда.

Яна шуни алоҳида ай-тиб ўтиш кераки, заво-

Истиқлол мушоираси

ОМОН АСРА...

Темурлари кўйиб кетган эшиги муқаддас юрт, Алломишлар улғайтирган бешиги муқаддас юрт. Сехрлидир аллалари, қўшиги муқаддас юрт, Бешиқдаги ёш жонимни омон асра...

Юлдузларга илк қўйилган нарвони бор бу юртнинг, Чор тарафга донги кетган карвони бор бу юртнинг. Карвонини омон асра, сарбони бор бу юртнинг Завол берма, карвонимни омон асра...

Ота-она севса ҳамки, эл севмагай бебурдиди, Болам, мени севмоқ бўлсанг кўзга суртгин шу юртни. Токим бу юрт Ватан бўлсин фақат иймони бутнинг, Фарзандларинг иймонини омон асра...

Гардлари тилло юртимни, юртбошимни асрагин, Қўллари қадоқ халқимни қардошимни асрагин. Булутларга берма энди, қўшимни асрагин, Ўзбекистон осмонини омон асра...

Шахло АХРОРОВА, Жиззах

ОНА ХАЛҚИМ

Ҳаяжоним қалбга сизмас Тўтса олам сахнини, Она халқим фаҳридан. Рамз эрур ул хурлигиндан Толёнингта ахли олам Дилгубор тоғгай яқун. Туну кун чин ҳавасманд. Дил бўлиб сан диллар ичра Хур ватанни орзу айлаб, Мард баҳодир шоҳсувор, Тупроғинг деб жон тикиб, Эл бўлиб сен эллар ичра Неча ботир паҳлавонлар Мангу бўлгин бир бутун. Бўлдилар кунлақун. Сажда айлаб кўзга суртгум Шўр эт, истиқлол қўшинг Эй, дийрим саждагоҳ, Балқимоғи бор экан. Хоқида бахт устивору Арзир энди ўз шўқунинг, Сенда ҳар чоғ дил бутун. Ўзлигингта сен юқун. Сулаймон ҲАЙДАР Сўбҳидамлар хуш тарона,

ВАМАҲ

Осмон бўлиб осмонларни кучар кўнглим, Орзуларда Ҳумо бўлиб учар кўнглим. Жайхун билан Сайхундан сув ичар кўнглим, Онам бўлиб юрагимни туйган Ватан, Яхши-ёмон кунимда ҳам суйган Ватан.

Бир қадимий наволарни тингладим мен, Тупроғингни жаннатларга тенгладим мен. Боланг бўлиб бугун шуни англадим мен, Онам бўлиб юрагимни туйган Ватан, Яхши-ёмон кунимда ҳам суйган Ватан.

Бошингта гам тушса дўст-ёр бекор экан, Давлат кетса дилдошинг ҳам ағёр экан. Дилда ёлғиз сенинг меҳринг пойдор экан Онам бўлиб пешонамдан ўлган Ватан, Яхши-ёмон кунимда ҳам суйган Ватан.

Сен ҳақдирсан, ҳақнинг ўзи адл этгай, Фанимларни адолатинг қатл этгай. Ўзбекистон меҳринг бизни дадил этгай, Онам бўлиб юрагимни туйган Ватан, Яхши-ёмон кунимда ҳам суйган Ватан.

Фарзандингман жисмим ичра жоним ўзинг, Томиримда уриб турган қоним ўзинг. Дунё бўйлаб мағрур қулган шоним ўзинг, Онам бўлиб юрагимни туйган Ватан, Яхши-ёмон кунимда ҳам суйган Ватан.

Дилмурод КОСИМ

Марҳамат, янги Toyota

Toyota компанияси Toyota Corolla автомо-билининг «седан» ва «универсал» кузовла-ри ўрнатилган янги авлодини намойиш қил-ди. 1966 йилдан бери ишлаб чиқарилаётган ва компа-ниянинг энг савдоси чаққон машинаси ҳисобланган Corollанинг шу янги икки тури ҳам ўз ишқибозларини хурсанд қилиши табиий. Қолаверса, уларнинг нархи «ака»лариникига қараганда бирмунча арзон, дейилади Интернет хабарларида. «Ар-зон» деган тушунча эса ҳам-иша нисбий бўлган... (Арзон «сезан»нинг омордаги нар-хи 10500, «универсал»ники эса 12800 АҚШ доллари би-лан баҳоланмоқда).



Нефт қазиб чиқариш кўпаяди

ОПЕКка аъзо мамлакатларнинг навбатда-ги 111-анжумани 10 сентябрь куни Венада очилади. Худди шу йиғилишда нефт қазиб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қарор қабул қилини-ши кутилмоқда. Чунки ўтган ҳафтага қадар 28,6 доллар-дан ошмай келаятган 1 баррел нефтнинг баҳоси бу ҳафта кутилмаганда 29 долларга кўтарилиб кетган. Бу ҳақда маълумот бераётган «Новости» ахборот агентлиги яна шуни қўшимча қиладики, мазкур конференцияда гар-чи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмасда, чиқиш қилиш им-конияти билан меҳмон сифа-тида Россия, Мексика, Омон ва Ангола ҳам тақлиф қилин-ган.

Азиз юртдошлар!
Сизларни қутлуғ кун — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик байрами билан табриклаймиз!
Барчангизнинг оилангизга кут-баракати, соғлиқ-саломатлик, тинчлик-тотувлик тилаймиз.
Сўзқандарё вилояти Шўрчи тумани «Муҳиддинбек» фермер хўжалиги жамоаси



Туркистон КАХВАХОНАСИ

КАРНАЙ, СУРНАЙ, ДОУРА ВА...

"Аббос" гуруҳи ўз изланишлари орқали ўзбек мусиқа санъатида янгилик ясади, дейиш мумкин. Бироқ гуруҳнинг ташкил топиши ўзидан бўлгани йўқ. Ҳаммасига гуруҳ раҳбари, истеъдодли созанда Аббосхон Қосимовнинг сая-ҳаракатлари сабаб бўлди.



Аббосхон Қосимов ҳозирда қирқдан зиёд шоғирда устозлик қилмоқда. Унинг ижросидаги доира усуллари "оддий йўл"да эмас, мураккаб, яъни "тескари зарб"даги ижро йўллари. Аббосхон хорижий мусиқа асбоблари саналган табла (араб), конги-банги (Лотин Америкаси ва Африка давлатлари) довул (Озарбайжон) созларини ҳам маромига етказиб ижро қилади.

каби мумтоз асбобларимиз уйғунлигида, улар жўрлигида куй яратилишининг ўзи бир янгилик. Сабаби, онгимизга карнай-сурнай фақатгина тўй-базмларда даврани очиш учун хизмат қилади, деган тушунча сингиб кетган. Бироқ, гуруҳ ижодкорлари карнай-сурнай созининг ҳам имкониятлари чексизлигини, бу создан жозибали



ва дилтортар оҳанглар ярата олиш ва юксак даражада ижро қилиш мумкинлигини исботлади. Бу эса қанча-қанча машаққатли меҳнатлар, изланишлар эвазига дунёга келди. Балки шунинг учун ҳам "Аббос" гуруҳининг куйлари халқимизга манзур ва маъқул бўлаётгандир. Улар ижросидаги "Истиқлол таронаси", "Болажонлар", "Гўзал Ўзбекистоним",

"Наврўз таронаси" каби видеоклиплар ўзига хослиги билан кўпчиликини мафтун эт-

"СЕВГАНМАН, СЕВИЛГАНМАН, СЕВИБ ЯШАЙМАН"

Раққоса Зулхумор Тўраева билан сўхбат

Зулхумор табиятан қувноқ, шўх эди. Шу бондан бўлса керак унинг болаликдан раққоса меҳри тугиди. Дастлаб кичкина давраларда кичкина ижролари билан кўзга ташланган раққосанинг истеъдодини пайқатганлар уни "Ўзбекистон" гастроль концерт бирлашмаси Хоразм вилояти Комилжон Отанизов номи Давлат филармониясига таклиф этишди.

— Ҳар бир киши Ватанини ўзига қадрлайди. Шу мазолада соат сайин яқинлашиб келадиган энг улуғ байрамимиз Мустақиллик куни арафасида кўнглингиздан нималар чамқоқди?

— Билдишим, аввало байрамларни жуда яхши кўраман, орзиқиб кутаман. Аммо истиқлол кунининг айрича қадри бор. Бахтли лаҳзаларда дилимдан юртимга бўлган фахр, ифтихор, шодлик, қувонч каби латиф, тоза туйғулар ўтади.

— Маълумки, раққоса санъати ниҳоятда оғир. У кишидан тинимсиз меҳнатни талаб этади. Айтинг-чи, бу йўлни танлашингиз тасодиф эмасми?

— Болалигимда ўқитувчи бўлишни, тўғрироғи, инглиз тили ўқитувчиси бўлишни орзу қилардим. 8-синфни битириш арафасида мактабимизга мусиқа билим юртидан бир гуруҳ қодимлар келиб қизларни танлаб олишди. Танланган қизлар ичидан мен ҳам бор эдим. Ушанда Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг биринчи йили эди.

— Раққосанинг шон-шухрати ортгани сайин кетма-кет миш-мишлар ҳам бўлашиб боради. Ёш раққоса сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри, халқ назарига тушиш кишидан керак? — Негадир самимийликни қадрлайман. Ясама ҳаракатларга тоқатим йўқ. Шундай экан, мен орзу қилган гўзаллик садоқат ва самимиятда мужассам топади.

— Раққосанинг шон-шухрати ортгани сайин кетма-кет миш-мишлар ҳам бўлашиб боради. Ёш раққоса сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Муҳаббат муқаддас сўз. Аммо, баъзида севага нисбатан ишончим совиқди. Сева фақат кўзда бўладигандай туюлади. Сизни кўрганда севишадим, кўрмасам эсдан чиқаришадим. Назаримда, муҳаббатни эъозлашадиганлардан кўра эъозлайдиган инсонлар кўпроқ. Янаям кўпаяверсин.

Шоира ХАСАН қизи сўхбатлашди


СИДНЕЙДА ЧИМАЛАР КУТМОҚДА?

Дилшод Ёрбеков — 1974 йил 1 майда Пастдаром туманида туғилган. СамДўнинг жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Халқаро тоифадаги спорт устаси, вази 71 килограмм, бўйи 179 сантиметр. Бокс билан 13 йилдан бери шуғулланади. Мураббий: спорт устаси Михаил Романчук. Севган боксчиси: Майк Тайсон.

— Сухбатимизни боксга кириб келишингиз ҳақидаги "ҳикоя" билан бошласангиз...

— Сиз Атланта олимпиадасида ҳам иштирок этгансиз. Мана, янги олимпиада ўйинлари бошланишига ҳам оз қолди. Шу ораликдаги фаолиятингизда бироз орқага кетиш ҳолати бордек, назаримда...

Олимпиада - 2000



ми? — Ҳа, ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада (Қарағанда) голиб бўлиб, 16 ёшимда спорт устаси бўлганман. — Сиднейда сизни нималар кутаяпти? — Албатта, тенгсиз жанглар. Чунки у ерга борувчилар Австралиани томоша қилгани боришмайди...

Камалак

Мактубларим

Мен сени янауфарга ўхшатаман. Чунки сен яшаётган дунё фақат кўзёшлар кўздан иборатдек гўё. Гўзал чехранг кўзёшлар дунёси ичидан маъво кулимсираб туради. Табассумингда эса улкан Дард яширин. Мен ҳайратга тушаман. Бонси, менинг ДАРДларимга табассум мутлақо бегона...

Мен сени капалакка ўхшатаман. Рост, сен гуллар устида чарх ураётган беозор капалакка жуда-жуда ўхшайсан. Тугиб олишни истайману, лекин қўлимнинг захори сени нобуд қилиб қўйишидан чўчиб, бу нинга журғат эта оламан.

Мен сени булбулга ўхшатаман. Дилнинг туб-тубидан чиққан нолалар мундан кўшиқ бўлиб атрофга таралади. Сехран кўшиқларнинг барчаси бирдек ўнган ром этади. Улар мени қанчалик завқландирмасин, менга аталмаган.

Мен сени гулга ўхшатаман. Тўғрироғи, сенинг чидиринг гул дунёсига ўхшайди. Гулга булбул ҳам, кун ҳам, сабо ҳам инсон каби шайло. Бироқ уни кимга "ҳади" этиш бобон иктайберида. Бобонини эса на гулнинг қалби қизиқшайдосининг. У гул учун кимнинг қанча ди, ҳалоқ: Селқурок "боғ-далабим туй-мутлақо бе-гулга ўхша-ман."

Мен сени Теграсида сайёра парвоҳеч бир кўшга интилаш улар учун қисматимга ҳам сенинг бўлашингга битилган мен учун ҳалокат битилган парвоҳеч бир раққоса билан раққоса касбининг обрўйига путур етказмайди. Кимки ҳаволанмаса, уни ҳар қандай олди-қонди гаплар забот этолмайди, деб уйлайман.

— Раққоса ва гўзаллик гўёки бир тушунчадай жарағлайди. Сизнингча, гўзаллик қандай гўзаллик қандай бўлмоғи керак?

— Негадир самимийликни қадрлайман. Ясама ҳаракатларга тоқатим йўқ. Шундай экан, мен орзу қилган гўзаллик садоқат ва самимиятда мужассам топади.

— Раққосанинг шон-шухрати ортгани сайин кетма-кет миш-мишлар ҳам бўлашиб боради. Ёш раққоса сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри, халқ назарига тушиш кишидан керак? — Негадир самимийликни қадрлайман. Ясама ҳаракатларга тоқатим йўқ. Шундай экан, мен орзу қилган гўзаллик садоқат ва самимиятда мужассам топади.

— Муҳаббат муқаддас сўз. Аммо, баъзида севага нисбатан ишончим совиқди. Сева фақат кўзда бўладигандай туюлади. Сизни кўрганда севишадим, кўрмасам эсдан чиқаришадим. Назаримда, муҳаббатни эъозлашадиганлардан кўра эъозлайдиган инсонлар кўпроқ. Янаям кўпаяверсин.

Шоира ХАСАН қизи сўхбатлашди

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 30 август сонидан эълон қилнган бошқотирма жавоблари

БҮЙИГА: 1. Мувад. 2. Норин. 3. Кафас. 4. Эгани. 7. Харид. 8. "Сароб". 9. Қарор. 10. Қовга. 11. Инсон. 12. Никол. 17. Роман. 18. Совун. 19. Артек. 20. Тиллак. 23. Эҳром. 24. Зомин. 25. Рунка. 26. Тамир. 27. Комет. 28. Хурмо. 33. Моҳир. 34. Актёр. 35. Варак. 36. Жомий. ЭНИГА: 5. Кулоқ. 6. Танга. 8. Сарик. 10. Қайчи. 13. Ҳасад. 14. Насос. 15. Инжил. 16. Ҳисор. 18. Совга. 20. Товон. 21. Бозор. 22. Арсон. 24. Зауур. 26. Терак. 29. Эҳсон. 30. Нурик. 31. Конус. 32. Хоним. 34. Актив. 36. Жеймс. 37. Норка. 38. Работ. 39. Чимен. 40. Катик.

"Туркистон" газетаси таҳририяти газетанинг собиқ бош муҳаррири, ёзувчи Гаффор Хотамовга отаси Бозор ота ХОТАМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЁШЛИК... БЕБОШЛИК ЭМАС

Ёшлик, чиндан ҳам умримизнинг энг сермазмун, энг серташвиш даври. Лекин биз кўп ҳолларда унинг унутилмас онларидан бири бўлган "Балоғат ёшини" бўлмағур ҳиссиёт ва ҳою-ҳавасда, бокибеғам қарши олишга одатланганмиз.

Балоғат ёши ҳаётимизда туб бурилиш ясайдиган энг муҳим давр саналади. Яъни чорраҳа вазифасини ўтайди. Бизнинг катта ҳаёт бўсағасига қўядиган илк қадамимиз ҳам мана шу чорраҳадан бошланади. Бу чорраҳанинг бирор йўлагига қадам босишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг.

Чунки, сизнинг кўча чангитиб, қоғоздан гул, лойдан уй қуриб юрган кезларингиз ортда қолди. Болалик — бардавомлик, деган нақл бор халқимизда. Аммо бардавомлик барракни ҳаммадан баланд учирди, ҳаммани ҳайратга солиб, ҳавасини уйғотиш дегани эмас. У болалик эди. Бардавомлик энди бошланади. Модомики, бу чорраҳадан ҳушёр туриб ўтмас экансиз, келажакда кимларнингдир қилган яхши иши ва танлаган ҳаёт йўлидан ўзингиз ҳайратга тушиб, мангу ҳавасда қолиб кетишингиз мумкин.

Эл орасида "Тўрт томонинг қибла", яъни тўрт томонинг саждагоҳ, хоҳлаганинга юкун, деган ибора бор. Бу ибора инсоннинг ўзи билан эмас, қалб кечинмалари билан

Балоғат бекати

хисоблашади. Худди юқоридаги ибора каби балоғат чорраҳасининг ҳам йўлақлари кўп. Буларнинг қайси бирига ҳақдингиз сиғиб, қадам босманг, ҳаммаси сизга олам-олам шодлик ва қувонч ваъда қилади. Аммо ўйламай, ноҳўя босган бир қадамнингиз барчасини остун-устун қилиши турган гап.


Лекин бу чорраҳанинг яна бир йўлаги бор. Бу йўлакка қадам қўйган ҳар бир одам ўзини қийнаб яшаши керак. Тортган қийинчилик ва чеккан азоблари эвазига, туртиниб-суртиниб "комиллик" зинапоясидан кўтарилиши мумкин.

Шу ёшда кимки қўлда куч, белда қувватим бор, бугун умид билан иморат учун бир ниш қўйсам, келажакда бошпанам бўлади, шунда бугун чеккан ҳамма азобларим унутилди деб идрок билан фикр юритса, кексайганда роҳат-фароғатда яшайди.

Сузимиз аввалида такрорлаганимиз "балоғат ёшининг" ҳар бир йўлаги охири бориб битта манзилга туташади. Шундай экан, иймонли юрт, иймонли халқ ҳамма вақт эътиқодига содиқ қолади. Фарзандларининг камолини ўйлайди. Дарҳақиқат, оч қолган одамга бир бурда нондан азиз таом, чанқанган одамга эса бир култур сувдан ширин шарбат йўқ. Ёшликни қадрига етинг.

Сайфулла ТОҒАЕВ, "Туркистон" муҳбири

БОШҚОТИРМА



Туркистон МУАССИСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳрир хайъати: Хотам АБДУРАЙИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анавар ЖАББОРОВ, Назриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Гаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Навбатчи муҳаррир Зиёда АШУРОВА

"Шарқ" нашриёт-матбаа кенжери нобсоҳонаси

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти-20.00. Топширилди-21.00. 1 2 3 4 5 6